

Raziya MATIBAYEVA,

*International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD, Senior teacher of the Al-Azhar Department of Arabic Language and Literature. matibaevarb@rambler.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan. Tel: 255-73-25
дом, (90) 952-59-99 мобильный. 244-00-56 рабочий.*

МОВАРОУННАХРДА ХАНАФИЙЛИК МАЗҲАБИ РИВОЖИ

РАЗВИТИЕ ХАНАФИЗМА В МАВАРАННАХРЕ

THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAHR

Калит сўзлар: ислом дини, Мовароуннахр, суннийлик, Имом Абу Ханифа, ҳанафийлик мазҳаби, имон, таълим, бағрикенглик.

Ключевые слова: ислам, Мавараннахр, суннизм, Имам Абу Ханифа; ханафизм, вера, образование, толерантность.

Key words: Islam; Mavarannahr; Sunnism; Imam Abu Hanifa; Hanafism; faith; education; tolerance.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб диёримизнинг ҳаққоний тарихи, маънавий асослари ва алломаларимизнинг бой меросини ўрганиш ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган давлат сиёсатини ташкил этмоқда. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади» [1], – деган сўзлари яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда диншунослик соҳаси мутахассислари олдидаги масъулиятли вазифа миллий анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган ислом дини, хусусан, ҳанафийлик мазҳабини чуқур ўрганиш, унинг бағрикенглик асосларини халқимизга етказиш ва ёшларимизнинг мафкуравий савиясини кучайтиришдир.

Ҳанафийлик Марказий Осиё халқлари эътиқод қиладиган кенг тарқалган мазҳабдир. Суннийликдаги тўрт мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофи-

ийлик ва ҳанбалийлик орасида эътиқод қилувчилар сонининг кўплиги бўйича ҳанафий мазҳаби етакчи ўринни эгаллайди. Зеро, ҳанафийликка хос бағрикенглик тамойиллари унинг ислом оламида кенг ёйилишига сабаб бўлди ва ҳанафий мазҳабини ўрганиш нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё минтақаси ва умуман бу мазҳаб тарқалган ҳудудларда долзарб масалалар қаторига кўтарилди.

Чунки ислом динининг дунё бўйлаб тарқалиши жараёни бошланган илк даврлардан ҳисобланмиш VIII аср билан ҳозирги кун орасида ўзига хос ўхшашлик мавжуд: мазкур даврда исломни ёйиш байроғи остида ўз ғаразли мақсадларига эришишни кўзлаган баъзи гуруҳлар муқаддас диний манбаларни нотўғри талқин этишга ҳаракат қилган бўлсалар, айна кундаги радикал оқимлар ҳам шу услубни қўллашга уринмоқдалар. Имом Абу Ханифа (699–767) ва у киши асос солган ҳанафийлик мазҳаби ана шундай гуруҳларнинг мутаассибона фикрларига қарши бағрикенглик, ҳар бир масалани диний ва дунёвий жиҳатдан уйғун равишда ҳал қилиш мавқеидан туриб раддиялар берди.

Ҳанафийлик ислом тарихида вужудга келган бошқа мазҳаблар орасида ўзининг ҳар томонлама – ақидавий ва фикҳий масалалардаги мустақил ечимига эга бўлиши билан мукаммал таълимот бўлиб шаклланди. Имом Абу Ханифа томонидан ҳанафийлик ақидасининг асосий тамойилларини ўзида акс эттирган «ал-Фикҳ ал-акбар» («Катта тушуниш, дунёқараш илми») асарининг ёзилиши олимнинг энг аввало ақида соҳаси намояндаси бўлганини кўрсатади.

Мусулмон оламида ҳанафийлик тарихини ўрганиш ислом динининг Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, наоараб, яъни ажам халқлари орасида тарқалишидан бошланади. Ҳанафийлик сунний йўналишидаги бошқа мазҳаблар ўртасидаги юксак ўринга эга, унда жорий этилган ҳукмлар диний ва дунёвий жиҳатдан мукаммал таълимот мажмуасидир. Ваҳоланки, ислом оламининг йирик илм даргоҳларида, хусусан, Мисрдаги ал-Азҳар университетида ҳанафийликнинг ҳар томонлама мукаммал мазҳаб экани тан олинади ва унинг таълимоти алоҳида фан сифатида ўқитилади.

Ислом ақидасида имон ва амалнинг яхлит бир нарсами ёки алоҳида-алоҳида экани хусусидаги баҳслар катта ўрин тутди. Суннийликдаги тўрт мазҳаб орасида фақат ҳанафийликдагина имон ва амал алоҳида, дея таъкидланади ва имонга қуйида-

Ҳозирги кунда исломшунослик соҳаси мутахассислари олдидаги масъулиятли вазифа миллий анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган ислом дини, хусусан, ҳанафийлик мазҳабини чуқур ўрганиш, унинг бағрикенглик асосларини халқимизга етказиш ва ёшларимизнинг мафқуравий савиясини кучайтиришдир.

Ҳанафийлик Марказий Осиё халқлари эътиқод қиладиган кенг тарқалган мазҳабдир. Суннийликдаги тўрт мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофийлик ва ҳанбалийлик орасида эътиқод қилувчилар сонининг кўпчилиги бўйича ҳанафий мазҳаби етакчи ўрин эгаллайди. Зеро, ҳанафийликка хос бағрикенглик тамойиллари унинг ислом оламида кенг ёйилишига сабаб бўлди ва ҳанафий мазҳабини ўрганиш нафақат республикаимиз, балки Марказий Осиё минтақаси ва умуман бу мазҳаб тарқалган ҳудудларда долзарб масалалар қаторига кўтарилди.

Ушбу мақолада Имом Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги ривожини ва унинг кенг кўламда тарқалиши сабаблари тадқиқ қилинган. Шунингдек, ушбу мазҳаб моҳияти, таълимоти ва қўллаган услуби ҳаётини масалаларда кўп қулайликлар яратиши таҳлил этилган.

В настоящее время актуальной задачей для исламоведов является изучение исламской религии, в частности, глубокое изучение ханафитского мазхаба, включающего в себя национальные традиции и ценности, донесение принципов толерантности до нашего народа и укрепление идеологического сознания нашей молодежи.

Действительно, ханафизм – широко распространенный мазхаб, которого придерживается большая часть народов Центральной Азии. Среди четырех мазхабов суннизма – ханафиты, маликиты, шафииты и ханбалиты – наибольшее количество верующих относятся к ханафитам. Основные принципы ханафизма основанные на толерантности, распространились по всему мусульманскому миру, и изучение ханафитского мазхаба стало актуальным не только в нашей республике и Центральной Азии, но и по всему региону в целом.

В этой статье рассматривается эволюция мазхаба Ханафи, основанного Имамом Абу Ханифой в Мавераннахре, и причины его широкого распространения. Также подчеркивается, что сущность, доктрина и стиль этого мазхаба во многих аспектах жизни вызвали широкое распространение ханафитского мазхаба.

Currently, an urgent task for Islamic studies scholars is the study of Islam, in particular, a deep study of the Hanafi madhab, which includes national traditions and values, informing our people with the principles of tolerance and strengthening the ideological consciousness of our youth.

Indeed, hanafism is a widespread madhab, which is followed by most of the peoples of Central Asia. Among the four Sunni madhabs: hanafis, malikis, shafiis and hanbalis, the largest number of believers are hanafis. The principles of tolerance inherent in the Hanafi religion were the reason for spreading it throughout the Islamic world, and the study of the Hanafi madhhab has become a pressing issue not only in our republic, but in the Central Asian region and in the regions where this madhab is widespread.

This article deals with the development of Hanafi madhab in Movarounnahr, founded by Imam Abu Hanif and the reasons for its widespread distribution in Mawarannahr. It also states that the essence, doctrines and practices of this sect have created a great deal of comfort in the matters of life which have led to the wide spread of the Hanafi madhhab.

гича таъриф берилади: «Имон – Муҳаммад алай-хиссалом Аллоҳ томонидан келтирган нарсаларни тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлаш». Ҳанафийлик мазҳаби нафақат таълимот жиҳатидан бағрикенгликни тарғиб этади, балки унинг мазҳаб-бошиси бўлган Абу Ҳанифанинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам айни шу кенг дунёқараш билан оламга боқишга чорлайди.

Имом Абу Ҳанифа асос солган ҳанафий мазҳаби Куфа шаҳри (Ироқ)да юзага келиб, Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари – Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Оз муддат ичида у ислом дунёсининг кўп мамлакатларига тарқалди. Мусулмонларнинг катта қисмини ўзига жалб этиб, аҳли сунна вал жамоанинг энг катта ва кенг ёйилган мазҳабига айланди. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 миллиард мусулмон аҳо-

лининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар – 47%, шофийлар – 27%, моликийлар – 17%, ҳанбалийлар – 7,5%.

Ҳанафий мазҳабининг кенг кўламда тарқалиши, жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳам унга эътиқод қилишининг сабаблари ҳақида гап кетганда, қуйидагиларни таъкидлаш зарур:

Биринчидан, ушбу мазҳаб ўз моҳияти, таълимоти ва қўллаган услуби билан жамиятда юз бериб турадиган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлиб, ҳар қандай саволга мантиқий жавоб топа олади. Бундай имконият ҳанафий мазҳаби янги вужудга келганда диний масала ечими Қуръони карим ва ҳадисда мавжуд бўлмаса, қиёс ва унинг энг муҳим тури бўлимиш истехсонга таяниб иш олиб борганидан келиб чиқади. Шунингдек, у урф-одатга

катта эътибор қаратади. Бундай услубдан фойдаланиш халқ учун ҳаётий муаммоларни шариат қоидаларига асосланиб ечишда беназир қулайликлар яратиб бериши.

Иккинчидан, ҳанафийлик илмий асосларга таъинланган мазҳаб сифатида Аббосийлар давлатининг устувор мазҳаби бўлиб келди. Ундан кейин Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Бобурийлар, шунингдек, Усмонлилар империясида асосий мазҳабга айланиши ҳам унинг тарқалиши ва ривожини учун катта имкониятларни юзага келтирди. Буни, айниқса, Аббосийлар, Ғазнавийлар, Усмонийлар даврида суд тизими ривожига кўриш мумкин. Тарихчи олим Ибн Обидин таъкидлашича, улардаги барча қози ва шайхул-исломлар ҳанафий мазҳаби вакиллари бўлганлар. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Абу Ҳанифа шогирдларининг сони 882 тага етган. Унинг тўртта буюк шогирди (Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар ва Абу-л-Ҳасан)дан ташқари, бошқа шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида яшаганлар ва ушбу минтақада ҳанафий мазҳабини ёйиш йўлида катта хизмат кўрсатганлар.

Учинчидан, Абу Ҳанифанинг ҳуқуқий таълимоти шахс эркинлигига ҳурматни юқори қўйган ва барча соҳаларда инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимоясини кафолатлаган. Масалан, турмуш қуришда эркак ва аёлга тенг ҳуқуқ берилиб, оқил ва балоғатга етган қиз ва аёлларни ҳеч ким уларнинг розилигисиз никоҳ қилишга мажбурлай олмайди, никоҳ шартномаси қизнинг валийси (ота, бува, амаки, ака, ука) бўлмаса ҳам, унинг ўз сўзи билан боғланишини татбиқ этган.

Ҳанафий мазҳаби масалага чуқурроқ назар ташлаш ва ислом фалсафасини теран тушунишни тарғиб қилади. Абу Ҳанифа мазҳаб ҳукмларини чиқаришда аввал Қуръони карим ва Суннага асосланар, саҳобий ва тобиийларнинг гапларини инобатга олар эди. Агар уларда масаланинг ечими топилмаса, Аллоҳнинг иродаси ва мақсадини тўғри ҳамда чуқур англаган ҳолда ҳукмлар чиқарган.

Шофий мазҳабига кўра, ҳар қандай молдан закот берилса, у ўша мол ҳолида берилиши зарур, яъни агар туя, сигир, от, қўй ёки олтиндан закот берилса, ўша ҳайвон ёки олтин шаклида, агар сўйилиб берилса, гўшtidан берилиши зарур. Лекин ҳанафий фақиҳлари «йўқ, баъзан инсонларнинг эҳтиёжи ўша молнинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Шунинг

учун уларга закотни мумкин бўлса пул шаклида бериш керак», дейишади.

Юқоридаги мисоллардан ҳанафий мазҳаби шариат ҳукмларини Қуръони карим ва ҳадисга мувофиқ бўлиши билан бирга инсонларнинг эҳтиёжини қондириш, уларнинг манфаатларини таъминлаш, табиатларига мос шаклда ижро этишга чақириши кўриниб турибди.

Кейинги даврларда саҳобийлар ва тобиийларнинг ҳаракатлари билан ислом дини араб бўлмаган халқлар орасида ҳам тарқала бошлади. Бу халқлар эса, илгари бошқа динларга эътиқод қилган, уларнинг урф-одатлари, қонунчиликлари ҳам бошқача эди. Агар ислом келгандан сўнг уларнинг барча ҳукмларини бекор қилиб юборганда, улар бу динни қабул қилишмас, ҳатто унга қарши туришлари ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам уламолар усул-фиқҳ иламида ислом ҳуқуқининг ҳаётийлигидан далолат сифатида шариат манбаларида урфни ҳам зикр этишади. Лекин бу ҳар қандай урф қабул бўлади, дегани эмас.

Ҳанафийлик мазҳаблар ичида урфни қабул қилиш борасида жуда кенг йўл очиб берган. Абу Ҳанифа «раъй» ва жамият ҳаётидаги ечимини топиш оғир бўлган ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш учун «қиёс»нинг иккинчи тури бўлмиш «истеҳсон»ни қўллаш йўлларини кўрсатиб берган.

Ҳаётда шундай ҳодисалар юз берадики, уларнинг қонуний ечими Қуръони карим, Сунна, ижмоъда кўрсатилмаган бўлиб, қиёс орқали ҳал қилиш эса катта муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда Абу Ҳанифа энг мақбул йўл – истеҳсон услубини танлаб, юз берган ҳодиса жавобини у билан ечганлар. Зеро, буюк олимлар таъкидлаганидек, «насслар [2] чегараланган, аммо ҳодисалар ва юз бериб турадиган воқеалар чексиздир». Шунинг учун раъй ва қиёсдан, айниқса, истеҳсон услубидан фойдаланиш заруратга айланган, акс ҳолда урф-одат асосида ҳаёт кечирадиган инсонлар кўплаб қийинчиликларга дуч келиши мумкин эди. Шундан келиб чиқиб, ҳадислардан бирида «мавжуд бўлмаган (йўқ ёки тайёр бўлмаган) нарсаларни сотманглар» дейилса ҳам, айрим ўринларда зарурат юзасидан, урф ва истеҳсон қондасига мувофиқ, боғ мевасидан ҳали ҳосил олмай туриб ёки кийим-кечак тайёрламай туриб, маҳсулотга олдиндан пул тўлашга рухсат берилган.

Бугунги кунда истеҳсоннинг амалий ҳаётдаги фойдасини яққол кўриш мумкин. Масалан, бирор

киши ёки ҳуқуқий шахс автомобиль заводи билан ҳали ишлаб чиқилмаган машиналарнинг пулини олдиндан тўлаб, сотиб олишга келишиши мумкин. Агар бу ўринда ушбу муомала нассга хилоф десак ва истеҳсонга амал қилмасак, ҳар иккала томоннинг фаолияти тўхтаб қолиб, катта зарар кўришлари мумкин.

Фақиҳ Абу-л-Юср ал-Баздавий ифодаси билан қисқача қилиб айтганда, истеҳсон оғир ҳолатни тарк этиб, одамлар учун қулай ва енгил бўлган ҳолатни танлаб олишдир.

Ҳанафий мазҳаби бағрикенгликка асосланган мўътадил мазҳабдир. У муомалот (одамларнинг ўзаро муносабатлари) соҳасида инсонларга қулайлик яратиши билан бирга ибодат масаласида ҳам ўзига хос енгилликларни яратиб берган. Ислом таълимотининг моҳиятидан келиб чиқиб, Қуръони карим ва Суннадан кўзланган мақсадларни теран англаган ҳамда фақат оят ва ҳадис матнига боғланиб қолмаган ҳолда шарият ҳукмларини чиқарган. Масалан, шофий мазҳабида кўра, эркак киши бир аёлга қўли тегса, таҳорати синади. Ҳанафий мазҳабида эса бундай ҳолларда таҳорат синмайди. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.) баъзан аёлларини ўпганларидан сўнг ҳам намозга чиқиб кетаверганлар.

Ибодат масаласи мусулмонлар қалбида чуқур ҳурматга эга масала. Шунинг учун ҳам, унинг мусулмонларга қулай ва мос бўлиши кишиларнинг ҳар томонлама хотиржам ва ишонч асосида яшашларининг кафолати бўлади.

Ҳанафий мазҳаби IX асрда Абу Ҳанифанинг иқтидорли ва машҳур шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг истеъдодли шогирдлари Абу Сулаймон Жўзжоний ва Абу Хафс ал-Кабир ал-Бухорийларнинг шогирди Абу Бакр Жўзжоний орқали Мовароуннаҳрга кириб келган.

Абу Хафс Кабир ал-Бухорий йирик фақиҳларни тарбиялаб, Бухоро шаҳрини, Абу Бакр Жўзжоний эса Имом Абу Мансур ал-Мотуридий каби буюк алломаларни тарбиялаб, Самарқанд шаҳрини ислом ҳуқуқи марказига айлантирган. Шу сабабдан Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби асосидаги фикҳ илмининг асосий марказларидан бирига айланган.

Минтақада турли фикҳий мазҳаблар вакиллари фаолият олиб боришган бўлса ҳам, ҳанафий мазҳаби устунликни қўлга киритган. Бунга бир томондан ушбу мазҳабнинг давлат тарафидан қўллаб-қувватлаши таъсир қилган бўлса, иккинчи томондан бунини ушбу мазҳаб вакиллариининг илк даврданоқ фаоли-

ят олиб бориб, таъсир доирасининг кучлилилиги билан боғлаш мумкин. Шу сабабли Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг шаклланиши деганда бу масала кўпроқ ҳанафий мазҳаби билан боғланади.

Аслида эътиқодий жиҳатдан турли қарашларга эга бўлган ушбу ҳудудни фикҳий жиҳатдан ҳанафий мазҳаби бирлаштирар эди. Шунинг учун муржиъий ва муътазилийлар ичида ҳанафийлар учрар эди. Кейинчалик ҳанафийлар мотуридийликни асосий эътиқодий қараш сифатида қабул қилишди ва бу муътазилийлик билан аралашиб кетган Ироқ ҳанафийларининг инқирозидан сўнг, барча ҳанафийлар томонидан қабул қилинди.

Мовароуннаҳрда фикҳнинг ривожига ироқлик фақиҳлар, айниқса, ал-Хассоф, ал-Кархий, Абу Бакр ал-Жассос, ал-Қудурий шунингдек, Хуросоннинг муҳим илмий марказларидан бўлмиш Жўзжон, Балх ва Таҳор олимлари – Қози Шаддод ибн Ҳукайм Балхий, Абу Ҳомид Балхий, Абулмуаййид Балхий, Абу Сулаймон Жўзжоний, унинг шогирди Абу Бакр Аҳмад Жўзжоний (Абу Мансур Мотуридийнинг устози) ва яна бир шогирди Муҳаммад ибн Салама Абу Абдулло Балхий ва бошқалар тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиб келганлар.

Аширбек Мўминов таъкидлашича, ўша даврда (IX–X асрлар) «...Мовароуннаҳрда кечаётган жараён ҳали маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақа ислом марказларида Хуросоннинг бир қисми ҳисобланарди. Фақиҳ гуруҳлари Сомонийлар (875–999) амалдорлари зўравонликларида аҳоли турли табақаларининг ягона ҳимоячиси сифатида чиққанликлари натижасида уларнинг ижтимоий обрўси ва таъсир доираси кенгая борди» [3; 42 б.]. Олим ёзишича, ўша даврда фикҳ илми турли жиҳатдан, масалан, яратилган асарларнинг озлиги нуқтаи назаридан ҳам шаклланиш ва кучга тўлиш даврини бошдан кечирмоқда эди.

Мовароуннаҳр илк давр фақиҳларининг иснодлари бу ўлкада ҳанафийлик анъаналарининг вужудга келиши ва ривожланишига Бағдод ва Хуросоннинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Бу давр бўйича фақат Самарқанд ва Бухоро бўйича қоникарли даражадаги маълумотлар мавжуд. Лекин Насаф, Кеш, Термиз, Хоразм бўйича маълумотлар тўлиқ эмас ва бу минтақаларда ҳанафийлик анъаналарини ҳозирча тиклаш имкониятини бермайди. Бухоро бу кезде нисбатан мустақил, Самарқанд эса узоқ вақт Балх билан узвий бирликда ривожланган.

Абу Ҳанифанинг бевосита ўқувчилари Самарқандда фаолият олиб боришди. Улар – Абу Муқотил Хафс ибн Саҳл ал-Фазорий ас-Самарқандий, Наср ибн Аби Абдулмалик ал-Атакий, Шарик ибн Аби Муқотил, Маъруф ибн Ҳассон, Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалий ва Юнус ибн Субайх ас-Самарқандий [4; 514 б.].

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Самарқандда жуда кўп уламо гуруҳлари фаолият олиб бордилар. Фикҳ илми иснодларида Самарқанд олимлари Абу Бакр ал-Жўзжонийдан бошланади. Маълумки, Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Абу Сулаймон ал-Жўзжоний Балхда ҳанафий фикҳини ўргатади. Унинг қўлида тарбияланган Абу Бакр ал-Жўзжоний Самарқанддаги Рибат ал-мураббаъда жойлашган, кейинчалик “Дор ал-жўзжония” деб аталган илмий марказга асос солади. Бу ерда шаклланган олимлар кейинчалик Самарқанд мактабининг етакчилари бўлиб чиқишади. Улардан машҳур илоҳиётчилар Абу Мансур ал-Мотуридий (в. 333/944 й.) ва Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёдий (IV/X аср)ларни санаб кўрсатиш мумкин [5; 29 б.]. Абу Наср ал-Иёдий ўзидан кейин 40 та шогирдни қолдирди [6; В. 109]. Унинг ўғли ва шогирди Абу Аҳмад ал-Иёдий (IV/X аср) кейинги авлод бўйича Самарқанднинг пешқадам фақиҳи бўлиб қолди. Ал-Мотуридийнинг ўқувчилари орасида Абдулкарим ибн Мусо ал-Паздавий (в. 390/1000 й.) ҳам бўлиб, унинг таълимотини ўз эваси машҳур Абу-л-Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абдулкарим ал-Паздавийга (в. 493/1099 й.) ўргатди. Ал-Мотуридийнинг бошқа ўқувчиси, машҳур самарқандлик фақиҳ Исҳоқ ибн Исмоил ал-Ҳаким ас-Самарқандий (в. 342/953 й.) ҳам балхлик зоҳид-фақиҳ Абу Бакр ал-Варроқнинг (в. 294/905 й.) издошларидан эди [5; 37 б.]. Балхнинг пешқадам фақиҳлари – Абу Бакр ал-Искоф (в. 336/947 й.), Абу-л-Қосим ас-Саффор (в. 336/948 й.) ва Абу Бакр ал-Аъмашларнинг (в. 328/939 й.) шогирди Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳиндувонийнинг Самарқанд фақиҳларига кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим. Ал-Ҳиндувонийнинг ўқувчилари – Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий (в. 373/983 й.) ва Муҳаммад ибн Мансур ан-Навқадийлар (IV/X аср) Мовароуннаҳр фикҳининг қоидаларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнадилар. Самарқандда яшаш учун Балхдан Муҳаммад ибн ал-Фадл ал-Балхий (в. 319/931 й.) ва Аҳмад ибн Саҳл

ал-Балхий (в. 340/951-52 й.) кўчиб келдилар. Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхийнинг авлодлари Самарқандда яшаб, фақиҳ ўтганлар [6; В. 109].

«Дор ал-жузжония» XI–XII асрларда олимлар қизгин фаолият кўрсатган марказлардан бири эди. Бу илм муассасасида устозлар имло тарзида дарс ўтар, илм толиблари эшитганларини ёзиб борар эдилар. Бу илм ўчоғида дарслар тонг отмасданоқ (субайҳа) бошланар эди. «Китоб ал-қанд»да бу ўқув ўрнининг номи 18 ерда зикр этилади. Мазкур асарда номи келган, «Дор ал-жузжония» фаолияти билан боғлиқ уламоларнинг барчаси XI–XII асрда яшаган. Демак, IX–X асрларда рационалистик илмлар соҳасида фаолият олиб борган мутакаллимлар маркази ҳисобланган «Дор ал-жузжония» Қорахонийлар даврида ҳадис ва фикҳ марказига айланганлигини кўришимиз мумкин.

Бухоро аҳлидан 33 нафар киши Абу Ҳанифанинг асҳоблари сафларида аталадилар. Улар орасида Шарик ибн Абдуллоҳ ан-Наҳаъий, Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Асадий (40 йил Абу Ҳанифа ёнида бўлган), Абу Хафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг устози Муҳаммад ибн ал-Фадл ибн Атийя, Исо ибн Мусо ал-Гунжор ал-Бухорийнинг устози Муҳаммад ибн Саллом ал-Пайкандий, Исҳоқ ибн Мужоҳид ал-Ханзалий, Абу Абдуллоҳ Исҳоқ ибн Бишр ал-Бухорий, Абу Ҳанифа номи билан машҳур бўлган Усмон ибн Хумайд ва бошқалар бор [7; 512 б.].

Бухородаги маҳаллий ҳанафийлик мактабининг асосчиси Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирди Абу Хафс Аҳмад ибн Хафс ал-Бухорий (в. 217/832 й.) эди. У кейинчалик Абу Хафс ал-Кабир фахрий ном билан машҳур бўлди. Узоқ вақт Балхнинг таъсири сезилган Самарқанддан фарқли, Бухоро мактаби ўз анъаналарига суянди. Бухорога ислом илмий оламининг бошқа марказлари кўрсатган таъсири ҳақида гапирганда биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фадл ал-Бухорийнинг (в. 381/991 й.) шогирдларидан бири Абу Жаъфар ал-Уструшаний (в. 404/1013-14 й.) Бағдод ҳанафийлар мактабининг намояндаси Абу Бакр Аҳмад ибн Али Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-Жассоснинг (в. 370/981 й.) ҳам қўлида ўқиган эди. Икки йирик балхлик фақиҳнинг ноиблари ҳам Бухоро билан боғлиқ: ал-Ҳоким аш-Шаҳид номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Марвазий ал-Балхий (в. 334/945 й.) бу ерда Сомонийларнинг давлат хизматида бўлган, Абу Жаъфар ал-Ҳиндуво-

ний эса бухоролик фақиҳлар билан мунозара қилиш учун келган [6; В. 109]. Бу билвосита Бухоро ва Балх фақиҳларининг ўзаро муносабатлари яхши бўлмаганлигидан дарак беради.

Шунингдек, Абу Ҳанифанинг шогирд ва асҳоблари сафида 8 хоразмлик, 3 термизлик, 1 тадан кешлик ва сағониёнлик фақиҳлар эслатилади [7; 514 б.].

Манбалар Мовароуннаҳр ва ислом илмий оламининг асосий марказлари – Ироқ ва Хуросон орасидаги мавжуд алоқалар яқин ва доимий бўлганлигига гувоҳлик беради. Бухоро ҳанафийлари Бағдод тарафидан кўпроқ таъсирни сезган бўлсалар, Самарқанд ҳанафийлари Балх таъсири остида бўлдилар.

Абу Хафс ал-Бухорий ва Абу Сулаймон ал-Жузжонийлар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг 6 китоби – «ал-Мабсут», «ал-Жомий ас-сағир», «ал-Жомий ал-кабир», «Китоб ас-сияр ал-кабир», «ас-Сияр ас-сағир» ва «аз-Зиёдат» асарларини Ироқдан Хуросон ва Мовароуннаҳрга олиб келдилар. Мазҳабнинг «асоси» ёки «ўзаги» («асл») бўлиши «ал-Мабсут» икки нусхада мавжуд эди: Абу Хафс нусхаси бухоролик фақиҳлар томонидан ривоят қилинган, Абу Сулаймон нусхаси эса балхлик ва самарқандлик фақиҳлар томонидан ривоят қилинган. Аш-Шайбонийнинг бу олти китобларида мазҳабнинг асосий вакиллари – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва аш-Шайбонийнинг асосий ҳуқуқий таълимотлари баён қилинган. Абу Хафс ал-Бухорий ва Абу Сулаймон ал-Жузжонийлар яна «ан-Наводир» ёзиб олдилар ва бу минтақада тарқатдилар. Бу асарда улар мазҳаб асосчиларининг аш-Шайбонийнинг 6 китобига кирмай қолган фатволарини тўпладилар. Умуман, қайд этиш лозимки, ғарбий ҳанафийликнинг XII–XIII асрлардаги инқирози туфайли мазкур китобларнинг Абу Хафс ал-Кабир ал-Бухорий ва Абу Сулаймон ал-Жузжоний ривоятларидан ташқари, масалан, Ҳишом ибн Убайдуллоҳ ар-Розий, Муҳаммад ибн Самоъа нусхалари йўқолиб кетган.

Мовароуннаҳрда кейинчалик фикҳнинг ривожланишида ал-Ҳоким аш-Шаҳиднинг (334/945 йил қатл этилди) асарлари маълум аҳамиятга эга бўлди. У аш-Шайбонийнинг катта ҳажмдаги «ал-Мабсут» асарини икки вариантда қисқартирди. «ал-Кофий» ва «ал-Мунтақо» деб аталган бу мухтасарлар ҳанафийлик мазҳабини ўқитишда муҳим роль ўйнади.

III–IV/IX–X асрлар чегараларида балхлик фақиҳлар томонидан фуруъ ал-фикҳ масалалари бўйича мазҳабнинг асосий намоёндалари билдирган фикрлар орасидаги зиддиятлар кўриб чиқилди. Натижада Абу-л-Қосим ас-Саффор ал-Балхийнинг «Мухталиф ар-ривоя» асари вужудга келди. У Самарқанд ҳанафийларининг орасида нақл этилди.

Бу даврда Мовароуннаҳр ҳам илоҳиёт масалалари бўйича тортишувлар майдонига айланиб қолди. Мовароуннаҳрда асҳоб ал-ҳадис, муътазиллийлар, қарматийлар, карромийлар, рофизийлар ва бошқалар фаол иш олиб бордилар [6; В. 109]. Ҳукумат ва фақиҳлар «дахрийлар»нинг муваффақиятидан безовта бўла бошладилар [8; 126 б.]. Самарқандлик илоҳиётчиларнинг турли «адашганлар» билан кураши натижасида «аҳл ас-сунна ва-л-жамоъа» таълимоти – «ас-Савод ал-аъзам» юзага келди. Бу даврда буюк илоҳиётчилар Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Наср ал-Иёдий, ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Али ибн Саъид ар-Рустуғфаний, Абдулкарим ал-Паздавий, Муҳаммад ибн ал-Ямон ас-Самарқандийлар фаолият кўрсатдилар [5; 30 б.]. Самарқандлик сунний илоҳиётчиларнинг бу таълимотларининг шаклланиши ва ривожланишида ал-Мотуридийнинг «ат-Тавҳид», «Баён ваҳм ал-муътазила», «ар-Радаъ ғала-л-қаромита», ар-Рустуғфанийнинг «Иршод ал-муҳтадий», Муҳаммад ибн ал-Ямоннинг «ар-Радаъ ғала-карромия», «Маъолим ад-дин» асарлари сезиларли роль ўйнади. Шунингдек, Абу Мутиъ Макхул ибн ал-Фадл ан-Насафийнинг (в. 318/930 й.) «Китоб фи субҳон Аллоҳ», «ар-Радаъ ғала аҳл ал-бидаъ ва-л-аҳвоъ», «ал-Луълуъийёт», Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Бухорийнинг (IV/X аср 2-ярми) «Жумал усул ад-дин» асарлари ҳам муҳимдир [9; 601–602 б.].

Бухоролик илоҳиётчилар шиалар (рофизийлар)га муҳолиф бўлиб, анъанавийлик мавқеида турдилар. Бу ўринда Абу Хафс ал-Бухорийнинг ўғли Абу Хафс ас-Сағирнинг (III/IX аср) «ар-Радаъ ғала аҳл ал-аҳвоъ» асарини зикр этиш мумкин. Бу асарда у рофизийларнинг «яширинган имом», руҳнинг кўчиб юриши ва Жаброилнинг «хато»га йўл қўйиб, Муҳаммадни Али билан адаштиргани, натижада у янглишиб ваҳийни Али ибн Аби Толибнинг ўрнига Муҳаммадга етказгани ҳақидаги ғояларни қоралади [6; В. 109].

Маълумотлар фақиҳларнинг шаҳар аҳолиси ичида обрўси тез ортиб борганлигини кўрсатади.

Масалан, Абу Хафс ал-Кабир ал-Бухорий Бухорининг Хайзохаз (Хайрохар) деган жойида кўп тарафдорларига эга бўлган. 260/874 йилда шаҳарда катта мавқе ва обрўга эга бўлган Абу Хафс ас-Сағир Бухоронинг Исмоил ас-Сомонийга (279–295/892–907) топширилишида ҳал қилувчи ролни ўйнади [10; 156-157 б.]. Сомонийлар уламоларнинг шаҳар аҳолисига таъсирини ҳисобга олиб, уларга ташқи жиҳатдан ўз ҳурматларини изҳор қилдилар [11; 13-14 б.]. Аммо кўпинча уларнинг хизматисиз ишларини битиришни афзал кўрардилар. Мовароуннаҳр фақиҳларидан фақат баъзиларигина қандайдир расмий вазифага (қози, хатиб) эришганлар.

IV/X асрнинг охирларида Мовароуннаҳр фақиҳларида шу минтақа жамияти ҳаётининг ўзига хос томонларига тааллуқли масалаларни мустақил равишда ечишга интилиш кузатилади. IV/X асрда Абдуллоҳ ас-Субазмуний, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фадл ал-Бухорий ва Абу-л-Лайс ал-Фақиҳ ас-Самарқандийга ўхшаш йирик шахсларнинг пайдо бўлиши Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради [12; 46 б.]. Ас-Субазмуний Абу Ҳанифа «Муснад»ининг янги таҳрири, «Маноқиб»ини тузди. Абу Бакр ал-Бухорий эса ўз замонида Мовароуннаҳр жамиятига хос бўлган катта миқдордаги ҳодисаларни таҳлил қилди. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг «Тафсир ал-Қуръон», «Хизонат ал-фикҳ», «Бустон ал-орифин», «ал-Фатово мин ақовил ал-машойих», «Мухталиф ар-ривоя», «Уйун ал-масоил фи-л-фуруъ», «ан-Навозил фи-л-фуруъ», «ал-Муқаддима фи-с-салот», «Баён ақидат ал-усул», «Танбиҳ ал-ғофилин», «Асрор ал-вахй», «Таъсис ан-назар» ва бошқа асарлари ҳанафий мазҳаби тарқалган кўп минтақаларда машҳур бўлди.

Мовароуннаҳрда зоҳидлик илми эрта даврлардан кенг тарқалган эди. Асли шу минтақадан, лекин фаолияти бошқа жойларда ўтган машҳур зоҳидлардан Абу Али ал-Фудайл ибн Йёд ибн Масъуд ат-Тамимий (105–187/723–802), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн ал-Жунайд ал-Хутталий (в. 260/874 й.), Ибн ал-Фарғоний номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо ал-Воситийларни (в. 320/932 й.) биламиз. Улардан баъзиларининг, масалан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ал-Ҳаким ат-Термизийнинг (в. 318/930 йил атрофида) фаолияти ҳанафий билан боғлиқ эмас. Абу Абдуллоҳ Хотим ибн

Унвон ал-Асамм ал-Балхий (в. 237/851 й.), Абу Ҳомид Аҳмад ибн Хадравайх ал-Балхий (в. 240/854 й.), Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким ал-Варроқ ат-Термизий (в. 280/893 й.), Тож ал-ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Калободий ал-Ҳанафий (в. 380/990 й.), Абу-л-Ҳасан Али ибн Яҳё ибн Муҳаммад аз-Зандавайситий ал-Бухорий ал-Мубтағилар фаолияти ҳанафийликнинг Мовароуннаҳрдаги бир жиҳатини белгилайди [13; 29-43 б.].

Мовароуннаҳр нафақат фикҳ илми, балки ислом ҳуқуқининг яна бир манбаси ҳисобланган Ҳадис маркази ҳам эди. Буюк алломаларимиздан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Имом ад-Доримий ас-Самарқандий каби олимлар ислом оламида машҳур бўлган ҳадислар тўпламларини яратганлар.

Фикҳ ва усул-фикҳ бўйича ҳанафий мазҳаби Марказий Осиёда ўзининг асосий ва йирик ҳомийларига эга бўлди. Қорахонийлар даври фикҳ илми ва ҳанафий мазҳабининг олтин даври эди. Манбаларда берилган маълумотларга кўра, ушбу даврда 300 дан ортиқ фақиҳ истиқомат қилиб, 150 дан кўпроқ мутлақ кўпчилиги ҳанафий мазҳаби асосида ёзилган фикҳий асарлар, жумладан 20 та фатво китобларини битганлар.

Мазкур асарлар асосида Марказий Осиёда ислом илмлари жуда юксалди ва ислом дини ривожланишининг илмий асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, ҳанафий мазҳаби асосида усул ал-фикҳ [14] юксак даражада ривожланди. Абу Мансур ал-Мотуридий [15; 28 б.], Абу Юср ал-Баздавий [16; 104 б.], Алоуддин ас-Самарқандий [17; 26 б.], Абу Зайд ад-Дабусий [18; 472 б.], Абу-л-Баракот ан-Насафий [19; 27-32 б.], Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд [20] ва хоразмлик Ибн ал-Баззозий усул ал-фикҳ бўйича йирик муваффақиятларга эришиб, ўзларидан кейин ўлмас шоҳ асарлар қолдирдилар. Айрим асарлар ҳозирги кунда ҳам жаҳоннинг жуда кўплаб университетларида дарслик сифатида ўқитилади.

Марказий Осиё минтақасида ибодат ва муамалот масалалари асосан ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра амалга ошириб келинган. Халқимиз минг йилдан ортиқ давр мобайнида ушбу мазҳабга эътиқод қилиб келмоқда.

Биринчидан, яқиндагина халқимиз масжидларда ихтилофли ибодат шакллари, ибодатларни бузиб, янгида шаклда амалга ошираётганларга шоҳид бўл-

ди. Ҳатто баъзан бундай хатти-ҳаракат ижрочиларини Аллоҳнинг уйидан чиқариб юборишга мажбур бўлишди. Бундан эса мазкур кимсалар масжидларга Аллоҳга ибодат қилиш учун эмас, балки кўпчилик эътиқод қиладиган мазҳаб вакилларининг атайин жигига тегиш мақсадида келганликлари аён бўлди.

Иккинчидан, ибодатдек нозик масалада ихтилоф қилинса, бу нафақат масжид, балки ундан ташқарига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, халқ ичида бўлиниш ва гуруҳбозликка олиб келиши мумкин.

Учинчидан, Қуръони каримнинг бир неча жойида фитна ўлимдан ҳам буюкроқ ва каттароқ гуноҳ экани таъкидланади. Демак, фитна чиқариш ўлим билан баробар, ҳатто, ундан ҳам оғир экан, инсонлар бундай қилмишлардан ўзларини тийишлари керак. Шунинг учун ҳам масжидларга фитнадан қайтаришга чақирувчи оятлар ёзиб қўйилган. Бу шариатга зид эмас, чунки усулул-фиқҳ илмидан маълум бўлганидек, исломда «садди заройиъ» («олдини олиш») тамойили борки, унга кўра агарда бирон иш-ҳаракат бевосита ҳаром нарсага олиб борса, бу иш ҳам ҳаром дея тақиқланиши мумкин. Мазкур ёзув ҳам «садди заройиъ» тамойилига амал қилган ҳамда мусулмонларнинг тинчлик ва осойишталигини кўзда тутган ҳолда амалга оширилган тадбирдир. Мусулмончиликнинг асл моҳияти адолат ва тўғрилиқдир. Шунинг учун адолат ва тўғрилиқ асосида халқимизнинг тинчлиги учун керак тадбирларни амалга ошириш ўринлидир.

Юқорида зикр этилган ва улардан бошқа ҳаётий масалалардаги кўп қулайликлар ҳанафий мазҳабининг кенг кўламда ёйилишига сабаб бўлиб, муттасил равишда унинг тарафдорлари сонининг ошиб боришига олиб келди. Ҳанафий мазҳаби шариат ҳукмларининг Қуръон ва ҳадисга мувофиқ бўлиши билан бирга, инсонларнинг эҳтиёжини қондиришга, улар манфаатларига хизмат қилиб, табиатларига мос равишда ижро этилишига чақиради. Шунинг учун ҳам дунё мусулмонларининг мутлақ кўпчилиги ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар. Бу мазҳаб минтақа халқларининг ҳаёт тарзига айланиб бориш баробарида уларнинг урф-одатлари билан уйғунлашиб, ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда қулай имкониятлар яратди.

Марказий Осиёда ҳанафийлик тарихини ўрганиш кенг халқ оммаси, айниқса ёшлар орасида бағрикенглик тамойилларини шакллантиришда

муҳим аҳамият касб этиш билан бирга аждодларимизнинг ҳанафий мазҳаби ривожига қўшган улкан ҳиссалари ва уларсиз ҳанафий мазҳабини том маънода тўлиқ ўрганиш мумкин эмаслигига асос бўлиб хизмат қилади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. «Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida». Toshkent sh., 2018-yil 16-aprel, PF-5416-son.
2. Qur'oni karim va hadis matnlari.
3. Muminov A. Movarounnahr musulmonlari: hanafiyalar // Sharqshunoslik. 1999. №9. B.42.
4. Abu al-Muayyad al-Muvaffaq ibn Ahmad al-Makkiy. Manaqib Abi Hanifa. –Bayrut: Dor al-kitob al-arabiy, 1981. B. 313; Hofiz ad-din ibn Muhammad al-Kardariy. Manaqib Abi Hanifa. T. 2. -Bayrut: Dor al-kitob al-arabi. 1981. B. 514.
5. Rudolf Ul'rix. Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti. –T.: Imom al-Buxoriy xalqaro jamg'armasi. 2001. B. 29-37.
6. Mahmud ibn Sulaymon al-Kafaviy. Katoib a'lam al-axyor min fuqaho mazhab an-Nu'mon al-muxtor. Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti. Qo'lyozmalar fondi. № L. 2929. V. 109a
7. Hofiz ad-din ibn Muhammad al-Kardariy. Manaqib Abi Hanifa. T. 2. -Bayrut: Dor al-kitob al-arabi. 1981. B. 512-514.
8. Bartold V.V. K voprosu ob arheologicheskikh nahodkakh // Sochineniya. Tom IV. –M.: Nauka, 1966. S.126.
9. Fuad Sezgin. Tarix at-turoso al-arabiy. – Riyoz: Idorat as-saqofa va an-nashr, 1991. T. 4. B. 601-602.
10. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far an-Narshaxiy. Buxoro tarixi. B. 156-157.
11. Bolshakov O.G. Buxara vremeni Ibn Sinyi // Pismennyye pamyatniki i problemyi kulturyi narodov Vostoka. HV godichnaya nauchnaya sessiya LO IV AN SSSR. CHast 3 (doklady i soobscheniya o tvorchestve Ibn Sinyi). Moskva, 1981, S. 13-14.
12. Muminov A.K. Hanafiy ulamolarning markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o'rnini va roli (II-VII/VIII-XIII asrlar): Tarix fanlari doktori ... diss. avtoref. - T.: TIU, 2003. - 46 b.

13. Sarsenbaev O. Hanafiy mazhabi asoslari. – T.: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2013. B. 29-43.
14. Usul al-fiqh – fiqh asoslari, manbalari: Qur’on, hadis, ijmo, qiyos va h.k.
15. Ziyodov Sh. Al-Moturidiy hayoti va merosi. Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 2000. – 28 s.
16. Sayf as-Sunna Abu-l-Yusr Muhammad ibn Muhammad al-Bazdaviy. Kitab fih ma’rifat al-Hujaj ash-shar’iyya / Taqdim va nashr va faharis: Mariy Bernard, Erik Shumun. – al-Qahira: al-Ma’had al-ilmiy al-faransiy li-l-asar ash-sharqiyya. – 104 b.
17. Kamilov M.M. Movarounnahr fiqh ilmi rivojida Alouddin as-Samarqandiyning o’rni va “Tuhfat al-fuqaho” asarining ahamiyati: Tarix fanlari nomzodi ... diss. avtoref. - T.: TIU, 2000. - 26 b.
18. Abu Zayd Ubayd Allah ibn Umar ibn Isa ad-Dabusiyy al-Hanafiy. Taqvim al-adilla fi usul al-fiqh. / Qaddama lahu va haqqaqahu ash-shayx Xalil Muhyi-d-Din al-Malis. –Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 1421/2001. – 472 b.
19. Rahimjonov D.O. Abu Hafs an-Nasafiyning “Kitob al-qand” asari hadis ilmi bo’yicha muhim manba // Sharqshunoslik. T.: ToshDShI. 1997. № 3. S. 27-32.
20. Sadr ash-Shari’a Ubayd Allah ibn Mas’ud al-Mahbubiy al-Hanafiy. Sharh al-Viqaya. Al-Juz’ 1-5. –Urdun: Muassasat al-Varraq, 2006.

